

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМА ВА ҚОИДАЛАРИ

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ НОРМАТИВ
ҲУЖЖАТЛАР ТИЗИМИ

ШНҚ 1.01.01-09

Расмий нашр
(Ўзбекча-русча)

Ўзбекистон Республикаси Давлат
Архитектура ва қурилиш қўмитаси
Тошкент-2009

УДК 69: 658.012.224

ШНҚ 1.01.01-09 «Қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар тизими. Асосий ҳоллар. Тошкент, 2009. ЎзР Давархитектқурилишқўми»

Ишлаб чиқувчи ва тақдим қилувчи: Х. Асамов номли «ЎзЛИТТИ» ЁАЖ (Б.В.Фарсиян – мавзу раҳбари, М.М. Шагаев, Л.А. Мухамедшин, т.ф.н. Ш.Ш. Шаджалилов)

Мухаррирлар: Н.М.Ханов, Н.Э.Максумов, А.А.Ахрорходжаев (Давархитектқурилишқўми), М.М. Шагаев, Ш.Ш. Шаджалилов, Б.В. Фарсиян (Х. Асамов номли «ЎзЛИТТИ» ЁАЖ)

Тасдиқлашга Ўз.Р. Давархитектқурилишқўмининг Лойиҳа ташкилотлари фаолиятининг мониторинги бошқармаси (А.А.Ахрорходжаев) томонидан тайёрланган.

ШНҚ 1.01.01-08 «Қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар тизими Асосий ҳоллар» кучга кирганидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси худудида ҚМҚ 1.01.01-96 «Қурилиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тизими. Асосий ҳоллар», ҚМҚ 1.01.02-96 «Қурилиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тизими. Меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиблари» ва ҚМҚ 1.01.03-96 «Қурилиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тизими. Меъёрий ҳужжатларни баён қилиш ва расмийлаштириш қоидалари» ўз кучини йўқотади.

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Давархитекқурилиш рухсатисиз тўлиқ ёки қисман ишлаб чиқилиши, нашр қилиниши ва тарқатилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва курилиш қўмитаси (Давархитекткурилишқўм)	Шаҳарсозлик норма ва қоидалари	ШНҚ 1.01.01-09
	Кўрилиш соҳасидаги норматив хужжатлар тизими Асосий холлар	ҚМҚ 1.01.01-96 ҚМҚ 1.01.03-96 ҚМҚ 1.01.03-96 Ўрнига

1. Кириш

Курилиш соҳасидаги норматив хужжатлар тизими (техникавий нормалаштириш) курилиш ва муҳандислик изланиш ишларини, бино ва иншоотларни реконструкциялашни, корхоналарни кенгайтириш ва техник қайта жихозлаш ишларини лойиҳалаш, бино, иншоотларни эксплуатация қилиш ва таъмирлашга бўлган зарурӣ ёки тавсиявий норма, қоида, ҳолатлар, талаблар мажмуини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси норматив хужжатлар тизими янги иқтисодий шароитларга, қонунчилик ва бошқарув тизимига мос келади.

Норматив хужжатлар тизимининг бош йўналиши – корхона, ташкилот ва мутахасисларнинг эркинлиги ва ташаббусининг ошиб боришида жамият ва давлатнинг, курилиш маҳсулотлари истеъмолчиларининг ҳақ-хуқуқлари ва манфаатларини қонуний ҳимояланишига қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, сармоя солиш жараёни иштирокчилари муносабатларини тартибга солувчи, уларнинг ҳақ-хуқуқлари билан мажбуриятларини, маҳсулот, бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун масъулиятларини белгилаб берувчи Президент ва Вазирлар Махкамасининг курилиш соҳасига оид норматив хужжатлари, тизимнинг ҳуқуқий пойдеворидир.

Курилиш соҳасидаги норматив хужжатлар тизими Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш тизими доирасида, O'z DST 1.0 ва O'z DST 1.11 бўйича фаолият кўрсатади.

Мазкур курилиш норма ва қоидалари:

курилиш соҳасидаги нормалаштириш тизими вазифалари ва шаклланиш тамоилларини;

тизим таркибини, норматив хужжатлар таснифоти ва турларини;

норматив хужжатлар мазмунига бўлган талабларни;

норматив хужжатларни қайта қўриб чиқиш ва ўзгартириш тартибини;

норматив хужжатларни ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш тартибини;

норматив хужжатларни тасдиқлаш ва ундан кейинги ишлар тартибини;

норматив хужжатларни ишлаб чиқиш ва унинг талабларига амал қилиш масъулиятини;

норматив хужжатлар талабларига риоя қилиш устидан назоратнинг ташкил қилинишини белгилаб беради.

Х. Асамов номидаги ЎЗЛИТТИ Ёпик акционерлик жамияти томонидан киритилган	Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва курилиш қўмитасининг 2009 йил 5 феврал №18 сон буйруғи билан тасдиқланган	Амалга киритиш санаси 15 июн 2009 йил
---	---	--

2. Норматив хужжатларга ишоралар

Мазкур норма ва қоидаларда қўйидаги хужжатларга қилинган ишоралардан фойдаланилган:

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси;

О’з DST 1.0-98 «Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш давлат тизими»;

О’з DST 1.10-98 ЎзР. ДСТ «Асосий атамалар ва таърифлар»;

О’з DST 1.11-2002* ЎзР. ДСТ «Ўзбекистон Республикаси қурилишда стандартлаштириш соҳа тизими»;

О’з DST 8.12-2005 Ўзбекистон Республикасининг ўлчов бирлигини таъминлаш давлат тизими;

ҚМҚ 2.01.06-97 «Қурилишда қўллаш молик бўлган физик катталиклар бирликларининг рўйхати»;

ГОСТ 2.004-88* ЕСКД «Конструкторлик ва технологик хужжатларни босма ва ЭХМ график тузилмаларида бажаришга бўлган умумий талаблар»;

МСН 1.01.01-96 «Қурилиш соҳасидаги меъёрий хужжатлар давлатлараро тизими. Асосий ҳоллар».

3. Таърифлар

Мазкур норма ва қоидаларда О’з DST 1.10 ЎзР. ДСТ «Асосий атамалар ва таърифлар»нинг иловасига мос атамалар қўлланилган.

4. Тизимнинг асосий вазифаси, тамоиллари, таркиби ва норматив хужжатларнинг турлари

4.1. Қурилиш соҳасидаги техникавий нормалаштириш тизимининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

лойиҳалаштирилаётган бино ва иншоотларда соғлом ва бехатар меҳнат ва хаёт шароитларини таъминловчи талабларни белгилаш;

атроф-муҳит муҳофазаси, табиат заҳираларидан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш;

объектларни лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланишининг ишончлилигини ва умрбоқийлигини таъминлаш;

қурилиш объектлари сифатлари ва номенклатураси масалаларида харидор ҳақ-хукуқларини ҳимоялаш;

моддий, энергетик, меҳнат ва молиявий заҳираларни тежаш;

лойиҳалаш ва қурилиш амалиётига фан, техника ютуқларини, мамлакатимиздаги ва ҳориждаги илғор тажрибаларни жорий қилиш;

шаҳарсозлик, ҳажмий режавий ва конструктив лойиҳавий ечимларнинг юксак даражасини таъминлаш.

4.2. Тизимнинг норматив хужжатларини ишлаб чиқишида халқаро ташкилотлар (ИСО, МЭК ва бошқалар) хужжатлари билан ҳамоҳанглиги ва қиёслиги таъминланиши лозим.

4.3. Мажбурий талабларни қисқартириш ва тавсиявий талаблар сонини ошириш билан техник нормалаштириш тизими лойиҳалаш ва қурилишнинг техник ва иқтисодий масалаларини ҳал қилишда корхона, ташкилот ва мутаха-

сисларнинг эркинлигини оширишни ва ташаббусини ўстиришни таъминлаши керак.

4.4. Одамлар ҳаёти, фуқароларнинг саломатлиги ва мулки хавфсизлигини, атроф-муҳит муҳофазаси, қурилаётган бино ва иншоотлар, мухандислик ва санитария техникаси жиҳозларининг ишончлилиги ва умроқийлиги, ўринлилиги ва алмашунувчанлигини, манба тежамкорлигини таъминлашга йўналтириш лозим бўлган талаблар мажбурий талаблар ҳисобланади.

4.5. Курилишдаги техник нормалаштириш обьектларига қўйидагилар киради:

- шаҳарсозлик;
- мухандислик изланишлари;
- лойиҳалаштириш (шу жумладан технологик лойиҳалаштириш);
- қурилиш (ташкил қилиш, бажариш, ишларни ва қурилиши тугалланган обьектларни қабул қилиш);
- бино ва иншоотлардан фойдаланиш, таъмирлаш ва қайта тиклаш (ташкил қилиниши, олиб борилиши ва ишларни қабул қилиниши);
- бино ва иншоотларнинг мухандислик қурилмалари тизими;
- қурилиш нархини аниқлаш услублари ва смета нормалари;
- қурилишга сармоя киритиш жараёни иштирокчилари ўртасидаги муносабат элементлари;
- қурилиш маҳсулоти ишлаб чиқиш, иш олиб борилиши ва уни қўллаш учун керак бўлган умум техниковий, функционал ва фойдаланиш талаблари.

4.6. Техник нормалаштириш тизимининг таркиби 4.5. бандида санаб ўтилган техник нормалаштириш обьектлари асосида шакллантирилган бўлиб, тўртта тагтизимлар билан ифодаланади:

1. Ташкилий услугбият нормалари;
2. Лойиҳалаштиришнинг техник нормалари;
3. Қурилиш амалиёти технологияси ва ташкил қилиниш қоидалари;
4. Иқтисодий нормалар.

Тагтизимларнинг ҳар бири бир ёки бир нечта норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиладиган гуруҳларга бўлинади.

4.7. Шаҳарсозлик нормалари қабул қилинган таркибий тузилишга биноан В иловада келтирилган норматив ҳужжатлар таркибини аниқлаш ва уларни белгиланган тарзда нишонлашга мўлжалланган қурилиш нормаларининг таснифлагичи билан таъминланади.

4.8. Қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар тизимиға тасдиқланиш погоналарини эътиборга олганимизда қўйидаги норматив ҳужжатларни киргизиш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишкўми томонидан тасдиқланадиган республика шаҳарсозлик норма ва қоидалари (ШНҚ).

Республика қурилиш нормалари ва қоидалари:

- ташкилий-услубият нормалари ва қоидаларини;
- лойиҳалаштиришнинг техник нормаларини;
- қурилиш амалиёти технологияси ва ташкил қилиниши қоидаларини;
- иқтисодий нормаларни белгилайди.

Қорақалпоғистон Республикаси учун худудий қурилиш нормалари зарурлиги масаласи унинг масъул органлари томонидан ҳал қилинади.

Соҳалик мансублигига биноан идоралар (вазирлик, концерн ассоциация ва ҳаказолар) томонларидан тасдиқланадиган ва ушбу идоралар таркибиға киравчичи корхона ва ташкилотларда қўллаш мўлжалланадиган идоравий қурилиш нормалари (ИКН).

Ушбу нормалар билан лойиҳалаш, муҳандислик изланиш ишлари, қурилиш, қурилиш конструкциялари буюм ва материаллар ишлаб чиқариш, бино, иншиотлар ва конструкциялардан фойдаланишга оид ҳалқ ҳўжалиги соҳаси хусусиятларини эътиборга оловчи, республика қурилиш нормалари ва қоидаларига зид келмайдиган ва уларни айнан такрорламайдиган талаблар белгиланади. Идоравий қурилиш нормаларини тасдиқлаш Давархитектқурилишқўми билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

МДХ давлатларининг қурилиш соҳасидаги стандартлаштириш ва техник нормалаштириш бўйича Давлатлараро илмий-техник комиссияси ёрдами билан ишлаб чиқилган Давлатлараро қурилиш норма (МСН) ва Лойиҳалаш ва қурилиш бўйича давлатлараро қоидалар тўплами (МСП) «Қурилиш соҳасида давлатлараро норматив хужжатлар тизими. Асосий ҳолатлар» МСН 1.01.01-96 га кўра Ўзбекистон Республикаси худудида Давархитектқурилишқўми буйруғи билан амалга киритилади.

4.9. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, ҳамда идоравий қурилиш нормаларининг таркибан хилма-хиллиги ушбу хужжатларни тасдиқловчи органлар томонидан белгиланади.

4.10. Қурилиш соҳасидаги техник нормалаштириш бўйича норматив хужжатлар стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси агентлиги Давтабиатқўми ва бошқаларнинг, стандартларига, ҳамда ишлаб чиқилган тизимга бевосита кирмаган бошқа назорат органларининг ҳужжатларига зид келмаслиги керак. Тизим нормалари билан стандартларини ушбу таъкидланган ташкилотлар хужжатлари билан, шу жумладан экология, орасталик гигиенаси ва ҳаказо масалалари бўйича ҳам ўзаро мувофиқланишига эришиш, уларнинг ишлаб чиқилиши даврида зарур маъкуллатишлар йўли билан таъминланади.

4.11. Норматив техник хужжатлар тизимининг узвий давоми сифатида Кўлланмалар ҳам ишлаб чиқилиши мумкин. Кўлланмалар белгиланган қурилиш нормалари талабларига эришиш йўлларини аниқлаб беради, унинг айrim ҳолларини соддалаштиради, мисоллар ва ҳисоблаш алгоритмларини, матний, жадвалий, чизма маълумотлар ва лойиҳа ва қурилиш учун зарур бўлган бошқа ҳил ёрдамчи ҳамда ахборот маълумотларини мужассамлаштиради.

Кўлланма талаблари қуйидаги ҳолларда мажбурийлик мақомига эга бўлади:

- лойиҳалаштиришда буюртмачи билан қилинган шартномада унга ишора қилинган бўлса;
- қурилишда лойиҳа ҳужжатларида ва (ёхуд) пудрат шартномаларида унга ишора қилинган бўлса.

4.12. Янги талаблар ва ҳолларнинг жорий қилинишини талаб қиласиган илмий-тадқиқод ва синов ишлари натижаларини норматив ҳужжатлар таркибиға киритиш уни лойиҳалаштириш ва қурилишда амалда қўллаш бўйича авваламбор маълум ҳажмдаги тажриба тўплашни тақазо қилганида, норматив ҳужжат мақомига эга бўлмаган Тавсияномалар ишлаб чиқилади.

4.13. Қўлланма ва Тавсияномалар ҳужжат яратувчи ташкилот раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

4.14. Амалдаги норматив ҳужжатлар тизимидағи қурилиш махсулотлари ва қурилиш ишлари нархлари, материаллар, меҳнат сарфи нормалари, қурилиш давомийлиги, тановар нормалари, лойиҳа ва қидиув ишлари нархномалари ва ўзга ҳолларни тавсиявий ва ахборот – маълумот тариқасидаги материаллар сифатида қўллаш зарур. Бу ҳужжатлар, ҳамда Тавсиянома ва қўлланмалар услубиёт тавсифига эга бўлиб, уларга буюртма берган юқори ташкилотлар томонидан тасдиқланади.

5. Норматив ҳужжатлар мазмуни

5.1. Норматив - техник ҳужжатлар фақат лойиҳалаштириш манбаларига бевосита алоқадор талабларнигина, ушбу ҳужжатларнинг нимага мўлжалланганлигига мувофиқ, уларни қўллаш учун зарур бўлган ҳолларнигина қамраши, ҳамда лойиҳалаштириш ва қурилишнинг барча босқичларида ходимларнинг ижодий ташаббускорлигини чегаралаб қўймаслиги лозим.

5.2. Норматив ҳужжатлар таркибиға кирувчи барча турдаги норматив – техник ҳужжатлар аниқ белгиланган мажбурий нормалар ва талабларни, тавсиявий нормативларни ва ахборий маълумотларни қамраши керак.

5.3. Мажбурийлар сирасига, фуқоролар ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулки хавфсизлигини, атроф-мухитнинг муҳофазаланишини, қурилаётган бино ва иншоотлар ишончлилиги ва умрбокийлигини таъминлашга қаратилган ҳаёт кечириш муҳити бўлмиш бино ва иншоотлар, қурилиш буюмлари, материаллари ва қурилиш махсулотларининг охир-ниҳоядаги амаллий хусусиятлари билан фойдаланишга оид таснифотларини тартибга солувчи нормалар ва талаблар киради.

Охир-ниҳоядаги амаллий хусусиятлар билан фойдаланишга оид таснифотларни тўғридан-тўғри нормалаштириш ва назорат қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар ҳажмий-режавийлик, конструкциялик, технологик ва бошқа хил назоратбоп талаблар қўйилиши йўли билан тартибга солиниши мумкин.

5.4. Тизим ҳужжатлари харидор манфаати ҳимояси йўлидаги зарур мажбурий меъёрлар ва талабларнинг энг кам микдорини мужассамлаштириши шарт. Ошиқча равишдаги соддалаштиришларга чек қўйилиши лозим. Назорат органлари талаблари ушбу органлар томонидан тасдиқланган ҳужжатларга ишора қилинган ҳолда келтирилиши шарт.

Алоҳида матнлар, изоҳловчи расмлар, жадваллар ва чизмалар иловалар шаклида берилиши мумкин. Иловалар ҳам мажбурий, тавсиявий ва ахборий шаклларда бўлишлари мумкин.

Мажбурий талаблар одатда энг кам зарурый (имкони борича) даражаларда белгиланади.

5.5. Тавсиявий норматив сирасига қуйидагилар киради:

- кўрсаткич миқдори айни харидор имконияти ва талабларига эътиборан доим ўзгариб турадиган харидорлик хоссалари кўрсаткичлари;
- мажбурий талабларни амалга ошириш механизмлари ва ушбу талаблар билан белгиланган натижаларга эришиш усулларига тааллуқли нормативлар.

Тавсия қилингандарга мос бўлмаган қарорлар қабул қилганлиги учун мазкур қарорни қўллаган ташкилот, муассаса ва корхоналар жавобгарликка тортиладилар.

5.6. Белгилаб қўйилган лойиҳалаштириш ва қурилиш амалиётида ўзини оқлаган нормалар билан талабларни амалга оширишнинг тавсиявий усуллари тўлиқлигича қурилиш нормалари ва қоидаларида ўз аксини топган.

Тавсиявий нормативлар давлатимиздаги ва хориждаги илғор тажрибаларни ҳисобга олинган ҳолда оқилона бўлиши лозим.

Тавсиявий нормативлар унга пудрат шартномаси ва (ёхуд) лойиҳа ҳужжатларида ишора қилинганида мажбурийлик мақомини эгаллайди.

5.7. Қўлланма ва Тавсияномаларда ШНҚ ҳоллари ижрочиларнинг ҳархил малакаларини ҳисобга олиб бирмунча батафсил баён қилиниши ҳам мумкин. Айнан ушбу ҳужжатларда экспериментал ва тажриба-конструкторлик тавсифига эга бўлган янги ишланмаларнинг натижалари ҳам келтирилиши мумкин.

5.8. Норматив ҳужжатларида бошқа норматив ҳужжатлар ва стандартлар мазмунини такрорлашга йўл қўйилмайди. Ҳужжатда келтирилган талаблар бошқа норматив ҳужжатлар билан стандартларда белгиланган талаблар билан, шу жумладан нормалаштириш объектига дахлдор технологик лойиҳалаштириш нормалари билан ҳам тўла-тўқис боғланган бўлиши керак.

5.9. Барча турдаги норматив ҳужжатларда умумий қабул қилинган қурилиш атамаларига риоя қилиниши шарт.

6. Норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш

Мазкур ШНҚ билан белгиланган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, рўйхатлаш ва нашр қилиш тартиблари Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳасидаги стандартлаштиришнинг тармоқ тизимлари, давлат назорат органлари норматив ҳужжатларига ҳамда таъкидланган тартибда ҳужжатларни тасдиқловчи органлар томонидан белгиланадиган айrim вазирлик ва идораларнинг норматив ҳужжатларига тааллуқли эмас.

6.1. Мазкур тизимга кирувчи норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш босқичлари.

6.1.1. Норматив ҳужжатни ишлаб чиқишнинг қўйидаги босқичлари жорий қилинади:

1 - босқич – техник топшириқ устида ишлаш, тузиш, маъқуллатиш (зарур бўлганида) ва тасдиқлаш ишларини ташкил қилиш;

2 - босқич – ҳужжат лойиҳасининг биринчи босқичини ишлаб чиқиш ва уни тақризлар олиш учун тарқатиш;

3 - босқич – тақризларни кўриб чиқиш, ҳужжат лойиҳасининг оҳирги (ёки иккинчи ва навбатдаги) тахрирларини ишлаб чиқиш;

4 - босқич – ҳужжатни тайёрлаш, маъқуллатиш ва тасдиқка киритиш;

5 - босқич – ҳужжат лойиҳасини тасдиқловчи орган томонидан кўриб чиқилиши, унинг тасдиқланиши в рўйхатга олиниши;

6 - босқич – норматив ҳужжатни нашр этиш.

6.1.2. Зарур ҳолларда қўшимча босқич – ишлаб чиқилган норматив ҳужжат лойиҳаси асосидаги тажриба лойиҳаси ёки синов лойиҳаси ва қурилиши ҳам кўзда тутилиши мумкин.

6.2. Техник топшириқ ва норматив ҳужжат лойиҳасининг биринчи тахрири.

6.2.1. Техник топшириқ С иловадаги тарзда норматив ҳужжатни ишлаб чиқувчи-етакчи ташкилот томонидан елкадош ижрочи-ташкилотлар иштирокида ишлаб чиқилади.

Техник топшириқни норматив ҳужжатни тасдиқловчи орган тасдиқлайди.

6.2.2. Ишлаб чиқувчи – етакчи ташкилот норматив ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиши муддатларига риоя қилиш бўйича, ижрода қатнашувчи ташкилотлар эса – ўзларига юклатилган иш ҳажмларининг ўз вақтида бажарилишига жавобгардирлар.

6.2.3. Норматив ҳужжат лойиҳасининг биринчи тахририни ишлаб чиқувчи – ташкилот тушунтириш хати билан қўшиб тақриз учун техник топшириқда белгиланган рўйхатда қўрсатилган ташкилотларга жўнатиши лозим. Ҳужжат лойиҳаси ва унга тушунтириш хати ишлаб чиқувчи-ташкилот ва ижрода қатнашувчи ташкилотлар раҳбарлари ва ижроилари томонларидан имзоланиши шарт.

6.2.4. Норматив ҳужжатнинг биринчи тахририни тақризга жўнатишдан олдин ижрода қатнашувчи ташкилотлар иштирокида ишлаб чиқувчи – етакчи ташкилотнинг илмий – техник (илмий, техник) кенгашида кўриб чиқиши зарур.

6.2.5. Тушунтириш хати норматив ҳужжат лойиҳасининг ҳар бир тахририга тузилиб, қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши лозим:

- ҳужжатни ишлаб чиқиши учун асос;

- ишланманинг мақсади ва вазифалари;

- ҳужжат лойиҳаси устида бошлишдан аввал нормалаштириш обьекти тўғрисидаги мавжуд бўлган маълумотлар;

- ҳужжат лойиҳасида қабул қилинган талабларини техникавий иқтисодий асосланиши;

- лойиҳа олдидағи талаблар ва амалдаги ҳамда хориждаги шу каби норматив ҳужжатларга, фан, техника ютуқлари, ушбу соҳадаги давлатимиз ва хориждаги илгор тажрибаларга қиёсан ҳужжат лойиҳасининг илмий-техник даражаси;

- ҳужжатни амалга киритишининг тавсиявий муддати;

- бошқа ҳужжатлар билан, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси қурилишда стандартлаштириш соҳа тизими ҳужжатлари кайта кўриб чиқиши, уларга ўзгартишлар ишлаб чиқиши ёки бутунлай бекор қилиш зарурлиги тўғрисидаги таклифлар;

- тақризга жўнатилиши тўғрисидаги маълумот (иккинчи ва кейинги тахрирлар учун). Ҳужжат лойиҳаси тахрири тақризга юборилган ва тақриз жўнат-

ган ташкилотлар сони, тақризлар ва уларни кўриб чиқилиши натижалар бўйича қиска умумлаштирувчи тавсилот;

маъқуллатишлар тўғрисидаги маълумот (фақат оҳирги таҳрири учун). Тушунтириш хатида оҳирги таҳрирдаги маъқулланмаган масалаларнинг, қатъий муросасизликларнинг негизи, томонлар тақлифлари ва ушбу тақлифларнинг техник – иқтисодий асосланмалари баён қилинади;

лойиҳани ишлаб чиқишида фойдаланилган маълумотлар манбалари;
қўшимча маълумотлар.

6.3. Тақризларни кўриб чиқиши ва норматив ҳужжат лойиҳасининг оҳирги таҳририни ишлаб чиқиши.

6.3.1. Норматив ҳужжат лойиҳасига тақризлар (кўриб чиқилган ҳужжат лойиҳаси бўйича эътиrozлар ва тақлифлардан иборат хulosалар) ишлаб чиқувчи – етакчи ташкилотга, ҳужжат лойиҳасини кўриб чиқсан ташкилотлар томонидан уларга лойиҳа келиб тушганидан бошлаб узоғи билан 30 кун муддатдан кечиктирмасдан тақдим қилинади. Кўрсатилган муддатдан кечикиб келган тақризлар ишлаб чиқувчи – етакчи ташкилот ҳоҳишига биноан кўриб чиқлади ва таҳризлар рўйхатига киритилади.

Тақризлар асосий ва норматив ҳужжат лойиҳасининг бандларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича тавсиянинг қиска ва аниқ баён қилинган таҳриридан иборат бўлмоғи лозим.

6.3.2. Олинган тақризлар асосида ҳужжатни ишлаб чиқувчи-етакчи ташкилот (ижрова қатнашувчи ташкилотлар иштирокида) Д мажбурий Иловада келтирилган шаклда тақризлар рўйхати тузади ва қуидаги тарзда тартиблashiриади:

эътиroz ва тақлифлар бермаган ташкилотлар рўйхати;

ҳужжат лойиҳаси бўйича тушган умуман эътиrozлар;

норматив ҳужжат лойиҳасининг баён қилиниши тартибига биноан бўлимлар, бандлар ва иловалар бўйича билдирилган эътиrozлар.

6.3.3. Тақризлар рўйхатида тушган эътиroz ва тақлифлар бўйича ҳужжат ишлаб чиқувчи – ташкилот хulosаси қуидаги анъанавий расмиятчиликка биноан ёзилиши шарт:

агар эътиroz ёки тақлиf тўлалигича қабул қилинадиган бўлса – «қабул қилинди»;

агар эътиroz ёки тақлиf қисман қабул қилинадиган бўлса (эътиroz ва тақлифларнинг қисман рад қилиниши асосланган тарзда) – «қисман қабул қилинди»;

агар эътиroz ёки тақлиf рад қилинса (нима учун рад қилинганлиги асосланган тарзда) – «рад қилинди».

Хulosani асослаш ўрнига илгариги хulosалар рўйхатидаги асосланманинг қатор сонига ишора қилишга рухсат берилади (Масалан: «Рад қилинди». 5.бга қилинган хulosага қара).

6.3.4. Норматив ҳужжат лойиҳасининг том маъноси бўйича муросасиз эътиrozлар ёки тақризларда муросасиз келишмовчиликлар мавжуд бўлса ҳужжат ишлаб чиқувчи-етакчи ташкилот манфаатдор ташкилотларнинг қарор қабул қилишга ваколатланган вакиллари иштирокида муроса мажлисини чақири-

ши зарур. Мажлис иштирокчилариға ҳужжат ишлаб чиқувчи – етакчи ташкилот ҳужжатнинг эътиrozли бўлимлари ва бандларининг аниқлик киритилган тахририни жўнатиши лозим.

6.3.5. Муроса мажлиси қарорини мажлис раиси ва котиби имзолари билан мажлис баёни тарзида расмийлаштириш шарт.

Муросага келинмаган тақдирда ўзининг алоҳида мустақил фикрини бевосита мажлис баёнига тушуриш ва имзолаш лозим.

6.3.6. Норматив ҳужжат лойиҳасининг якуний тахрири ижрода қатнашувчи ташкилотлар иштирокида ҳужжат ишлаб чиқувчи – етакчи ташкилот илмий – техник (илмий, техник) кенгаши томонидан кўриб чиқилиши шарт.

6.4. Норматив ҳужжат лойиҳасини маъқуллатиш ва тасдиқча киритиш

6.4.1. Норматив ҳужжат лойиҳасининг якуний тахририни ҳужжат ишлаб чиқувчи – етакчи ташкилотларга маъқуллатишга жўнатади. Келишиш (ҳужжат лойиҳасини маъқуллашларини тасдиқлаш) алоҳида хат ёки мажлис баён шаклида расмийлаштирилади.

Маъқуллатиш учун тақдим қилинган ҳужжат лойиҳасини у келиб тушгандан бошлаб узоги билан 15 кун муддат ичидаги кўриб чиқиш зарур.

6.4.2. Норматив ҳужжат лойиҳасининг ҳал қилувчи масалалари бўйича ўзаро зид фикрлар туғилганида ҳужжатни тасдиқлашга киритаётган ташкилот, ушбу зиддиятларни манфаатдор томонлар билан биргалиқда кўриб чиқиши ва муросага келинмаган масалаларни ҳужжатни тасдиқловчи органга кўриб чиқиш учун киритиши лозим.

Норматив ҳужжат лойиҳаси бўйича ўзаро зиддиятлар Е Иловадагидек шаклда расмийлаштирилади.

6.4.3. Республика шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари лойиҳалари ҳужжат ишлаб чиқувчи – етакчи ташкилот томонидан Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишкўми тасдиғига киритилади.

Идоравий норматив ҳужжатлар лойиҳалари тасдиқча тегишли идоралар томонларидан белгиланган тартибда киритилади.

6.4.4. Норматив ҳужжат лойиҳалари тасдиқлашга ҳар бир нусхаси алоҳида равища тушунтириш хати билан таъминланган ҳолда уч нусхада киритилади. Бундан ташқари бир нусхада қўйидагилар тақдим қилинади:

- тасдиқланган техник топшириқнинг кўчирма нусхаси;
- тақриз ва маъқуллатиш учун жўнатилган ҳужжат лойиҳаси;
- ҳужжат лойиҳаси тақризи учун белгиланган ташкилотлар рўйхати;
- тақризлар рўйхати;
- ҳужжат лойиҳасининг якуний тахририни маъқуллатиш учун жўнатилган ташкилотлар рўйхати (маъқуллаш ҳужжатларининг айнан нусхалари илова қилинган ҳолда);
- талабларни асослашда фойдаланилган илмий-тадқиқод, тажриба-конструktorlik ва синов ишлари тўғрисидаги ҳисботлар рўйхати;
- ҳужжат ишлаб чиқувчи-етакчи ташкилот ва бошқа ташкилотлар илмий-техник (илмий, техник) кенгашлари, шу жумладан ҳужжат лойиҳасини кўриб чиқиш бўйича муроса мажлисининг мажлис баёнлари (мажлис баёнларидан кўчирмалар);

- хужжатнинг патентсофлигини (патент қодирлигини) исботловчи патент ҳаритачаси ёки патент софлигини аниқлаш учун текшириш ўтказиш керак эмаслиги тўғрисидаги (асосланган) маълумотнома;

зиддиятлар (агар бор бўлса) тўғрисидаги маълумотнома.

6.4.5. Тасдиқа киритилаётган норматив ҳужжат лойиҳаси ва унга ёзилган тушунтириш хатининг охирги сахифаси F иловага мувофиқ ҳужжат ишлаб чиқувчи-ташкilot ва ижрода қатнашувчи ташкilotлар раҳбарлари ва ижрочилари томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

6.4.6. Идоравий норматив ҳужжатлар унга бир нусхадаги техник-иктисодий асосланмалар, хулосалар рўйхати ва зарур маъқуллатишларга оид ҳужжатларнинг қўчирма нусхаларидан иборат бўлган тушунтириш хати илова қилинган ҳолда Давархитектқурилишкўмига маъқуллатиш учун икки нусхада тақдим қилинади.

Зарурат туғилганида жўнатилган хатга биноан Давархитектқурилишкўмига идоравий норматив ҳужжатлари лойиҳаларини маъқуллатиш учун зарур бошқа ҳужжатлар ҳам тақдим қилиниши шарт.

6.5. Норматив ҳужжатларни баён қилиш ва шакллантириш қоидалари

6.5.1. Норматив ҳужжат қўйидаги элементлардан таркиб топади:

- номи;
- зарварақ;
- ахборий маълумотлар;
- кириш, қўлланиш доиралари;
- норматив ишоралар;
- таърифлар;
- талаблар;
- мундарижа;

6.5.2. Норматив ҳужжатнинг номи қисқа, техник нормалаштирув объектини аниқ тавсифлаб берадиган ва шаҳарсозлик нормалари таснифотини инобатга оладиган бўлиши лозим.

6.5.3. Норматив ҳужжат муқаваси, зарварағи ва саҳифаларини безашни G Илова бўйича қабул қилиш керак.

Қурилиш нормалари ва қоидаларининг муқоваларини фарқланиш ранглари қурилиш нормалари ва қоидалари Таснифлагичига эътиборан қўйидагича белгиланади: 1 - қизил ранг (ташкилий - услубият нормалари),

2 – яшил ранг (LOYIҲАЛАШТИРИШНИНГ техник нормалари), 3 – кўк ранг (қурилиш амалиёти технологияси ва ташкил қилиш қоидалари), 4 – жигар ранг (иктисодий нормативлар).

6.5.4. Ахборий маълумотлар зарварақнинг иккинчи саҳифасида жойлашган бўлиб, таркиби УДК, норматив ҳужжатни ишлаб чиқувчилар, норматив ҳужжатни тасдиқлашга киритувчи ташкilot, ҳужжатнинг таҳрири борасидаги маълумотлар, ушбу ҳужжат билан ўринларини босиш мўлжал қилинган норматив ҳужжатлар, норматив ҳужжатни маъқуллатиш жараёнлари тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлиши лозим.

6.5.5. Норматив ҳужжат кириш қисмига эга бўлиши лозим. Ҳужжатнинг кириш қисмida унинг қўлланиш доираларига ишора қилинади, нормалашти-

риш объектига аниқлик киритилади ёхуд ҳужжатнинг амал қилиш доиралари маълум даражада торайтирилади.

Ҳужжатни қўллаш доираларини белгилаганда: «Мазкур нормалар ва ҳоказоларга тааллуқлидир» каби жумла ишлатилади. Ҳужжатининг амал қилиш доиралари бироз торайтирилганида, ҳужжатнинг нималарга дахлсизлиги кўрсатилади.

6.5.6. Талаблар қисқа (қайтаришларсиз, изоҳларсиз ва асосламаларсиз) ва аник, чалкаш тушунчалар туғдирмайдиган даражада баён қилиниши лозим.

6.5.7. Мажбурий талаблар баёнида, матнда албатта «шарт», «лозим», «зарур» ва уларнинг бирикмаларидан иборат иборалар ишлатилиши лозим. Фавқулодда ҳолларда, ушбу талабнинг бошқаларга нисбатан устунлигига ишора қилувчи, ундан четлаш эса, асосли бўлиши лозимлигини таъкидловчи «одатда» сўзи билан талабларнинг мажбурийлигини бироз чеклашга йўл қўйилади.

6.5.8. Норматив ҳужжатда амалдаги норматив ҳужжатлар билан белгилangan илмий-техник атамалар, белгилар ва тушунчалар ишлатилиши лозим. Янги атамаларга уларнинг изоҳи берилади.

6.5.9. Мазмунга эътиборан ҳужжат матни бўлимларга бўлиниши мумкин. Бўлим сарлавҳали ярим йўғон ҳарфлар билан берилади. Норматив ҳужжат бўлимлари билан бандлари арабча сонлар билан рақамланади. Бандлар бўлим рақамига нуқтадан сўнг унинг қатор сонини қўшиб қўйиш йўли билан белгиланади. Ҳар бир бўлимда бандларни рақамлаштириш биринчи рақамдан бошлини, масалан, «1.1; 1.2; 1.3; 2.1; 2.2; 2.3 ва ҳакозо». Ҳужжат фақат бир бўлимдан иборат бўлган тақдирда бандларнинг факат қатор сонлари берилиб, бўлим рақамига ишора қилинмайди.

Бўлимлар, сарлавҳали қисмларга ҳам ажralиши мумкин. Бу ҳолда қисмлар рақамлаштирилмайди ва қисм доирасида бандларнинг овушма рақамлари сақланиб қолади.

Қисмлар сўз бошидан бошланиши лозим, улар рақамлаштирилмайди ва «тире» белгиси билан ахратилмайди.

Бирор-бир банднинг мазмунини давом этдирувчи бандларни, зарур ҳолларда учта сон билан: 2.5.1; 2.5.2 ва ҳакозо тарзда рақамлаштиришга рухсат қилинади.

6.5.10. Барча турдаги иловалар лотин алифбосига мувофиқ ҳарфлар билан белгиланиши лозим.

Иловалар ҳужжат матни билан биргаликда умумий саҳифаларга эга бўлиши лозим.

Иловалардаги бўлимлар, қисмлар, жадваллар, формуналар, чизмачилик материаллари ҳар бир илова доирасида рақамлаштириллади.

Ҳужжат матнида иловаларга ишора бўлиши лозим.

Иловалар берилиши мажбурийлиги даражаси унинг биринчи саҳифасида кўрсатиб ўтилиши шарт.

6.5.11. Норматив ҳужжат матнига изоҳлар киритишдан сақланиш зарур. Бандлар ва жадвалларга берилган изоҳларда фақат тушунтирувчи ва ахборий маълумотларни берилишига рухсат қилинади.

Жадвалларга изоҳлар бевосита жадвал тагига жойлаштирилиши лозим. Бордию битта изоҳ берилаётган бўлса, у рақамлаштирилмайди ва «Изоҳ» сўзидан сўнг нуқта қўйилади. Агар изоҳлар бир нечта бўлса, «Изоҳ» сўзидан сўнг қўш нуқта қўйилади. Изоҳлар арабча сонлар билан рақамлаштирилади.

Хўжжатнинг кириш қисмида изоҳ бериш маън қилинади.

6.5.12. Норматив ҳужжат матнида:

бир ҳил тушунчалар учун бошқа-бошқа атамалар, маъноси яқин сўзлар (синонимлар), ҳамда давлат тилида муқобил сўз-атамалар бўлатуриб чет тиллардаги сўз-атамаларни қўллаш;

ўзбошимча тузилган сўз бирикмаларини (масалан, санқурилма, ёнғинназорат) қўллаш;

жадвал сарлавҳаларидағи ва формула таркибиға кирувчи ҳарфлардаги ифодани соддалаштиришдан ташқари, барча ҳолларда сонлар билан қўшиб қўлланилмаган ўлчов бирликларини қисқартириш;

стандартлар ва орфография қоидалари билан белгиланганларидан ташқари сўз қисқартирмаларини қўллаш;

сўзларнинг ҳарф билан белгиланган ифодаларини, масалан «кувур узунлиги» ифодаси ўрнига «L қувур» ни қўллаш тақиқланади.

6.5.13. Норматив ҳужжатда СИ тизими жисмоний ўлчов бирликлари рўйхатига қўра O'z DST 8.012:2005 га мувофиқ, ҳамда жисмоний ўлчамларнинг зарур бирликларини ўзида мужассамлаштирган ҚМҚ 2.0.06-97га қўра, жисмоний ўлчамлар бирликлари ва уларнинг нишонлари ушбу бирлик номлари ва белгилари, бирликларнинг тавсия қилинган даража ва қолдиқлари, ҳамда СИ тизими бирликлари билан бирга қавс ичига олиб келтириладиган тизимдан ҳоли бирликлар ишлатилиши лозим. Бир ҳужжат доирасида бир ҳил кўрсатичлар учун жисмоний ўлчов бирликлари барқарор бўлиши шарт.

6.5.14. Норматив ҳужжат матнида қатор (бир гурӯҳ) сонлар маънолари учун ўлчов бирлиги фақат оҳирги сондан кейин қўйилади, масалан: 5; 8,5; 12 мм; 20,70,150 кг.

6.5.15. Норматив ҳужжатдаги сонлардан иборат материални жадвал тарзида шакллантириш зарур. Жадваллар, норматив ҳужжат матнида уларга ишора қилинган ҳолда, сарлавҳасиз берилади. Бетлар қатори ҳужжатнинг асосий матни доираларида яхлит овушма бўлиши лозим.

Норматив ҳужжат охирида келтириладиган жадваллар шаклидаги иловалар сарлавҳали бўлиши шарт.

6.5.16. Жадвал тарзида шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлмаган кичик ҳажмдаги сонлардан иборат материал хулоса қабилида берилиши лозим, масалан: хоналардаги ихота юзаларининг ёруғ қайтариш коэффициенти фоизларда, камида:

шифтлар учун.....	70
деворларнинг юқори қисми.....	60
девор юзалари.....	50
поллар.....	25
бўлиши шарт.	

6.5.17. Жадваллар ва хулосалардаги ўлчамларнинг сонлик қийматлари орасидаги масофани:

50 дан 100 гача
100 дан ош. 200 гача
200 ----»---- 300 ----»----

тарзда ёзилиши керак.

6.5.18. Чизма материаллар – расмлар (чизма шакллар, диаграммалар ва ҳоказолар) норматив ҳужжат таркибига нормалаштириш обьекти тавсифоти ва хусусиятларини белгилаш, ҳамда ҳужжат матнини тўлароқ тушуниш учун киритилади.

Ҳужжат матнида чизма материалига ишора қилиниши лозим. Чизма материали бевосита у тўғрисида сўз қилинган матндан кейин, ёхуд кейинги саҳифада, ҳамда зарур ҳолларда иловаларда берилиши шарт.

Матнга киритилаётган расмлар, чизма шакллари, диаграммалар ва ҳоказолар конструкторлик ҳужжатлари Ягона тизими талабларига мос бўлиши лозим.

Чизма материали унинг тагига жойлаштириладиган мавзулик номга эга бўлиши ҳам мумкин.

Чизма материалини яхлит овушма рақамлаштириш усулида арабча сонлар билан рақамлаштириш зарур. Ҳар бир илованинг чизма материалини арабча сонлар билан, улар олдидан илованинг қатор сони қўшиб қўйилган ҳолда алоҳида рақамлаштирилади.

6.5.19. «Жадвал», «чизма», «расм» сўzlари, агар рақамлаштирилган бўлмаса норматив ҳужжат матнида тўла, агар рақамлаштирилган бўлса қисқартирилиб ёзилади, масалан: 1. жадв, 2. чизм, 3. расм. Такрор ишора қилинганида «1. жадв. қара», «2. чизм. қара», «3. расм. қара» шаклида ёзиш зарур.

6.5.20. Иловада келтириладиганидан ташқари барча формуласалар арабча сонлар билан яхлит овушма шаклда рақамлаштирилиши ва у формула билан баравар ўнг томонда ёй қавс ичига олиниб ёзилиши шарт. Матнда формуласаларнинг қатор сонларига ишоралар қавс ичида берилади, масалан: (5) формула.

Иловада келтирилган формуласалар, ҳар бир илова доирасида арабча сонлар олдидан илованинг қатор сони қўшиб қўйилган ҳолда рақамлаштирилиши лозим.

Формула таркибида кирувчи рамзлар ва сонлик коэффициентларга қилинган изоҳлар, агар улар матнда изоҳланмаган бўлса, бевосита формула тагида берилши лозим. Рамзлар формулада қандай кетма-кетликда берилган бўлса, уларга изоҳни ҳам шундай кетма-кетликда янги сатрдан бошлаб берилши керак. Изоҳнинг биринчи сатри «буерда» сўзи билан бошланиши шарт.

6.5.21. Стандартларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ишора қилинганинда ҳужжат шартли белгиси ёки нишони ва тўла номи кўрсатиласди. Бошқа ҳужжатларга, шу жумладан давлатлараро ҳужжатларга ишора қилинганида ҳужжат ва уни тасдиқлаган ташкилот номи кўрсатиласди.

Бошқа норматив хужжатларга умуман ёки унинг бўлимлари билан иловаларига ишора қилиш керак; қисмларга, бандларга, жадвалларга ва изоҳли расмларга ишора қилиш мумкин эмас.

Хужжат матнида бошқа норматив хужжатларнинг қисмлари, бандлари, қўшимча бандлари мазмунини тақорорлашга (кўчирмалар қилишга рухсат қилинади. Норматив хужжатда унга ишора қилинган ишораланувчи хужжат талаблари ушбу ишора билан берилган талаблардагидек мажбурийлик кучига эгадир).

6.5.22. Норматив хужжатнинг оҳирида унинг бўлимлар, қисмлар ва иловалар номлари ва кўрсатилган бетларини мужассамлаштирувчи мазмуни (мундарижаси) жойлаштирилиши лозим.

6.5.23. Норматив хужжат лойиҳаси (жадваллари ва изоҳлари билан бирга) варақнинг фақат бир томонига сатрлараро икки масофада ёзув машинкасида ёки электрон ҳисоблаш машиналарининг автоматлаштирилган рақамли чоп қилувчи жиҳозлар воситасида ГОСТ 2.004-88 бўйича чоп этилиши шарт.

6.5.24. Норматив хужжат лойиҳасини расмийлаштириш чоғида нашриётлар томонидан техник адабиётларнинг қўлёзмаларига қўйиладиган талабларга ҳам амал қилиш зарур.

6.5.25. Ҳар бир норматив хужжат учун ўзгаришлар алоҳида хужжат тарзида расмийлаштирилади. Хужжатнинг илгари тасдиқланган ўзгаришлари мазмуни келгуси ўзгаришларга киритилмайди, ҳар бир ўзгариш алоҳида мустақил амал қиласди. Хужжатнинг бирор қисми (банди, қўшимча банди, сўз бошиси жадвали, чизма материали, иловаси) тақорор ва тақорор ўзгартирилганида илгариги ўзгариш ва бошлангич таҳрир ўрнига қисмнинг янги тўла таҳрири таркибига сўнгги ўзгариш киритилади. Хужжатнинг ушбу қисми учун сўнгги ўзгариш ҳақиқийдир.

6.5.26. Норматив хужжат матни янги бўлим, банд, қўшимча банд, сўз боши, жадвал, чизма материали, иловалар билан тўлдирилганида ёки улар чиқаруб ташланганида бўлим, банд, қўшимча банд, сўз боши, жадвал, чизма материали, иловалар рақамларини ўзгаришига йўл қўйилмайди. Янги бўлимлар иловалардан илгари, янги банд, қўшимча бандлар-тегишли бўлимлар, қисмлар, банд оҳирига, рақамларнинг ўсиб бориши тартибига мувофиқ жойлаштирилиши лозим. Янги бандларга (қўшимча бандлари бўлмаганида), қўшимча бандларга, жадвалларга, чизма материалларига, иловаларга илгариги бандлар, қўшимча бандлар, жадваллар, чизма материаллари, иловаларнинг амалдаги рақамларини, нуқтадан сўнг арабча сонлардаги рақамларни қўшиб, амалдаги рақамлар оҳирига тиркаб қўйиш йўли билан беришга рухсат берилади. Масалан – 1.13.1; 2.1. чизм.

6.5.27. Ўзгартиш матнини баён қилганда бандлар, қўшимча бандлар, жадваллар ва ҳакозолар рақамларини кўрсатган ҳолда «алмаштирилсин», «чиқаруб ташлансан», «тўлдирилсан», «янги таҳрирда баён қилинсан» каби сўзларни ишлатиш зарур.

6.5.28. Норматив хужжат қайта нашр қилинганида чиқаруб ташланган бўлим, банд, жадвал, чизма материаллари иловалар чоп қилинмайди, фақат

уларнинг рақамлари кўрсатилиб, чиқариб ташланганлиги тўғрисидаги белги қўйилади. Масалан – 1.0 чиқариб ташланган (1-сон ўзг.)

6.5.29. Норматив ҳужжатларга ўзгартиришлар баёни ва расмийлаштиришни Н иловага мувофиқ қабул қилиниши зарур.

6.5.30. Норматив ҳужжатни икки тилда, масалан давлат ва рус тилида нашр қилишга рухсат қилинади. Қолаверса иккита матн ҳам ўз тилларидаги G иловага мувофиқ безатилган зарваракларга эга бўлиб, G иловадагига мувофиқ бажарилган бир муқова ичига жойлаштирилади. Муқовадаги ёзувлар, аввал давлат тилида, сўнг рус тилида ёзиладиган ҳужжат номидан ташқари, давлат тилида битилади.

6.5.31. Ушбу 6.5.30. б.га мувофиқ нашр қилинган норматив ҳужжат матнлари айнан муқобил бўлиши лозим.

7. Норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларнинг даврий риояси

7.1. Норматив ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш, уларни тасдиқлаш, рўйхатга олиш ва бекор қилиш.

7.1.1. Тасдиқлашга киритилган норматив ҳужжат лойиҳаларини ҳужжат ишлаб чиқувчи - ташкилот иштирокида кўриб чиқиш зарур.

7.1.2. Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқўми томонидан тасдиқланиши ёки маъқулланиши зарур бўлган норматив ҳужжатлар лойиҳалари ўзига юклатилган вазифаларга қараб Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқўмининг таркибий бўлинмалари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқлашга ёки маъқуллашга тайёрланади.

7.1.3. Шахарсозлик норма ва қоидалари (ШНҚ) ҳамда уларга киритиладиган ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Давархитект-қурилишқўми буйруғи билан тасдиқланади. Маҳаллий қурилиш нормалари (МКН) – тегишли идоралар буйруқлари билан тасдиқланади.

Ушбу буйруқлар билан илгари амалда бўлган, эндиликда янгиси билан алмаштирилаётган норматив ҳужжатлар бекор қилинади. Норматив ҳужжатларни бошқа сабабларга кўра бекор қилиш ушбу ҳужжатларни тасдиқловчи ташкилотларнинг тегишли буйруқлари билан амалга оширилади.

7.1.4. Норматив ҳужжатни амалга киритиш муддати уни нашр қилиш ва тарқатиш ишларини инобатга олган тарзда буйруқ билан белгиланади.

7.1.5. Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқўми тасдиқлаган норматив ҳужжатлар 1 Иловада келтирилган шаклда рўйхатга олинади.

7.1.6. Норматив ҳужжатларни рўйхатга олиш чоғида уларга белги –нишон қўйилади. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг (ШНҚ) нишони Ўзбекистон Республикаси қурилиши нормаларининг В иловаси бўйича Таснифлашга мувофиқ қўйилади.

Идоравий қурилиш нормалари нишонларида рўйхатга олиниш чоғида «ИҚН» қисқартирма белгиси, рўйхат китобидаги қатор сони ва унга тиниш белгисидан сўнг тасдиқланган йилнинг охирги икки рақами ҳамда норматив ҳужжатни тасдиқлаган органнинг қисқартирма номлари қўйилади, масалан: ИҚН 07-84 Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Агар норматив ҳужжат ушбу номдаги илгари амал қилганини ўрнига тасдиқланыётган бўлса, унда унинг илгариги нишони тасдиқланиш йили рақамларига тегишли ўзгариш киритилган ҳолда сақланиб қолинади.

7.1.7. Тасдиқланган норматив ҳужжатнинг девони, Ј Иловада келтирилган шаклда рақамлаштирилгандан сўнг рўйхатларда қайд қилингач ушбу ҳужжатни тасдиқлаган идора ҳужжатхонасига (архивга) сақлашга топширилиши лозим.

7.2. Норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ўзгартериш тартиблари.

7.2.1 Хужжат яратувчи – ташкилот ва уни тасдиқловчи органлар мунтазам равища, камида 5 йилда бир маротаба амалдаги ҳужжатларнинг илмий-техник даражасини аниқлаш мақсадида текширишлари ва зарур ҳолларда уларни янгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишлари шарт. Норматив ҳужжатларни йил ўтгач амалга ошириш лозим.

7.2.2. Амалдаги норматив ҳужжатларни янгилаш, ушбу ҳужжатларни бутунлайнин қайта кўриб чиқиш ёки айрим ўзгартеришлар киритиш йўли билан амалга оширилади.

7.2.3 Амалдаги норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ёки уларга ўзгартериш киритиш учун тугалланган илмий-тадқиқот, тажриба-констукторлик ва синов ишларининг, лойиҳалаш, қуриш ва турли туман объектлардан фойдаланиш бўйича давлатимиздаги ва хориждаги тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, норматив ҳужжатларни қўллаш ва унга риоя қилиш устидан ўрнатилган назоратларнинг барча тан олган натижалари асос бўлиши мумкин.

7.2.4. Норматив ҳужжатларга киритиладиган ўзгаришларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби янги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда амалга ошириш лозим. Бундай ҳолларда норматив ҳужжатга киритиладиган ўзгаришлар лойиҳасини тақриз учун тарқатиш зарурияти норматив ҳужжатни тасдиқлаган орган томонидан белгиланади.

7.2.5. Норматив ҳужжатга киритиладиган ҳар бир ўзгаришга қатор сони қўйилиб боради.

7.2.6. Норматив ҳужжатга киритилган ўзгаришларнинг тасдиқланиши китобда қайд қилинади (Ј Илова).

Ўзгартеришга доир девон рақамлантирилгандан сўнг (І-Илова), сақлаш учун ҳужжатхонага (архивга) топширилиши ва норматив ҳужжат девонига қўйиб қўйилиши лозим.

7.3. Норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва талабларига риоя қилиш борасидаги жавобгарлик.

7.3.1. Норматив ҳужжатларни ишлаб чиқувчи етакчи ташкилотлар ва уларни тасдиқланган органлар қонунчилик билан белгиланган тартибда:

Ушбу норматив ҳужжатлар талабарининг фан, техника, ишлаб чиқиш амалиёти ва фойдаланиш шароитидаги энг янги ютуқларига мувофиқлиги;

Норматив ҳужжатларга самарали ечимларни жорий қилишга, моддий, энергетик, меҳнат ва молия манбаларидан фойдаланишни яҳшилашга, атроф-мухит муҳофазасига, табиий захиралардан оқилона фойдаланишга қаратилган талабларнинг акс эттирилиши;

норматив ҳужжатларга киритилган талабларнинг тўғрилиги, уларнинг техник ва иқтисодий жихатдан асослилиги;

норматив хужжатларнинг амалдаги қонунчиликка, амалдаги норматив хужжатларга мувофиқлиги, формуулалар, матнлик, рақамлик ва чизма материаллари ҳамда атамаларининг тўғрилиги;

зарур ҳолларда амалдаги норматив хужжатларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида ўз вақтида асосли таклиф киритиш учун жавобгардирлар.

7.3.2. Ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қурилиш соҳасидаги норматив хужжатларнинг мажбурий талабларига риоя қилмаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан жавоб берадилар.

Қурилиш нормалари ва қоидаларида акс этирилмаган янги илғор ўта тежамли техник ечимлар, зиммасига қурилиш соҳасида амалдаги норматив хужжатларни қайта кўриб чиқиш ва янгисини ишлаб чиқиш маъсулияти юклатилган ушбу масала юзасидан етакчи илмий-тадқиқот ташкилоти билан келишилган ҳолда қўлланилади. Бордию, бундай ечимлар давлат назорати органлари манфаатларига даҳлдор бўлган ҳолларда, у ушбу органлар билан келишиши шарт.

Айрим амалдаги қурилиш соҳаси нормалари қоидалари талбларидан қисман асосли равища четлаш зарурияти туғилганида, бундай четлашларга, зарур ҳолларда олдиндан тегишли давлат назорат органи билан келишилган ҳолда, нормаларни тасдиқланган орган рухсати билан йўл қўйилади.

7.2.3. Норматив хужжат муаллифлари фойдаланувчилар саволларига бепул жавоб беришлари лозим.

7.4. Норматив хужжат талбларига риоя қилиниши устидан назорат.

7.4.1. Норматив хужжатлар талбларига риоя қилиниш устидан доимий назоратни лойихалаштириш, муҳандислик изланиш ишлари ва қурилиш ишларини олиб борувчи ҳамда конструкциялар, буюмлар ва материалларни ишлаб чиқувчи, ташиб берувчи ва сақловчи ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар таъминлайдилар.

7.4.2. Норматив хужжатлар талбларига риоя қилиниши бўйича оралатма назоратни Ўзбекистон Республикаси Давархитекткурилиш қўмитаси ва норматив хужжатни тасдиқланган идоралар амалга оширилади.

7.4.3. Ўзбекистон Республикаси Давархитекткурилиш қўмитаси идоравий мансублигидан қатъий назар барча ташкилотларни, идоралар эса ўзларига тобе ташкилотларни текширадилар.

7.4.4. Норматив хужжатлар талбларига риоя қилишни текшириш натижалари актлар билан расмийлаштирилади. Текшириш бўйича актлар, текширилган ташкилотнинг бўйсинувчи органлари номига чора қўриш учун оширилиши лозим.

7.5. Норматив хужжатларни нашр қилиши ва улар тўғрисидаги ахборот.

7.5.1 Норматив хужжатни нашр қилиш ва қайта чоп қилишга уни тасдиқлаган орган ҳақлидир.

7.5.2. Тасдиқланган норматив хужжатларни заруратга қараб тўплам сифатида нашр қилиши ҳам мумкин, бундай ҳоллараада:

тўплам учун умумий муқова қилинади, норматив хужжатлар эса, тўпламга муқовасиз ҳолда киритилади, уларнинг муқовалари зарвароқлар (титул саҳифалари) билан алмаштирилади;

тўплам муқовасига унга кирган барча норматив хужжатлар нишонлари жойлаштирилади;

тўплам бошида унинг мундарижаси жойлаштирилади;

бетлар тагига саҳифаларнинг овушма (сквозной) қатор сонлари қўйиб чиқилади.

7.5.3. Норматив хужжатни такрор нашр қилишда унинг тасдиқланган барча ўзгаришлар инобатга олиниши лозим. Ўзгаришлари билан қайта нашр қилинган норматив хужжат нишонига юлдузча қўшиб қўйилади, масалан: ШНҚ 2.08.01-94*. Ўзгартирилган бандлар ҳам юлдузчалар билан белгиланиши лозим.

7.5.4. Давархитектқурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган (маъқулланган) норматив хужжатлар ва киритилган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумоти Давархитектқурилиш қўмитаси ўзининг ахборот тузилмалари ёки маҳсус даврий матбуот ёрдамида тарқатади. Давархитектқурилиш қўмитаси даврий равишда амалдаги норматив хужжатлар рўйхатини матбуотда эълон қиласи.

А илова
Мажбурий

Техник нормалаштириш тизимида қабул қилинган ва тегишли таърифларга эга атамалар

1. Норматив ҳужжат – маълум бир фаолият турига ёки унинг натижаларига алоқадор бўлган ва истеъмолчиларнинг кенг доирасига таалуқли қоидалар, умумий томонлар ва таснифотларни белгилаб берувчи ҳужжат.
2. Шахарсозлик норма ва қоидалари – ижроия ҳокимият органлари томонидан қабул қилинувчи, асосан мажбурий талаблардан иборат қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжат.
3. Идоравий қурилиш нормалари – соҳанинг бир муассаси даражасида қабул қилинувчи қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжат.
4. Норма –қониқтирилиши зарур бўлган сифат ва сон мезонларини белгиловчи ҳолат.
5. Қоида- бажариш учун мўлжалланган харакатни ифодаловчи ҳолат.
6. Мажбурий ҳолат – қонун бўйича қўллаш мажбурий бўлган ҳолат (норма ва қоидалар).
7. Тавсиявий ҳолат – мажбурий тавсифга эга бўлмаган фикр ва қўрсатмадан иборат ҳолат (норма ва қоидалар)
8. Маълумотнома ҳолати- маълумотдан (ахборат) иборат ҳолат.
9. Ифодалаш ҳолати- ўзини вазифасига ва ишлаб чиқарилишига маҳсулот тавсифини мувофиқлигини қўрсатувчи ҳолат.
10. Услубий ҳолат – норматив ҳужжат талабларига бўлган мувофиқликка эришишнинг бир ёки бирнечча усууларидан иборат ҳолат.
11. Шаҳарсозлик фаолияти обьектлари- шаҳар, бошқа яшаш жойларининг ва уларнинг қисмларини жойлаштириш тизими.
12. Қурилиш маҳсулоти – қурилиш тугалланган бино, иншоат ва уларнинг мажмуалари.
13. Қурилиш иншоати – маълум бир истеъмолчилик вазифаларини амалга ошириш учун мўлжалланган қурилиш фаолиятининг бирламчи натижаси.
14. Бино – яшаш (ёки) одамларнинг иш фаолияти учун, ишлаб чиқаришни жойлаштириш, маҳсулот сақлаш ёки жониворларни боқиш учун мўлжалланган хоналардан иборат ер усти қурилиш иншоати.
15. Хона – маълум бир вазифа мўлжалланган ва қурилиш конструкциялари билан ўралган бино ичидаги фазо.
16. Қурилиш конструкцияси – маълум бир юк кўтарувчи, тўсиб турувчи ва эстетик вазифага эга бўлган бино ёки бошқа иншоатнинг қисми.
17. Қурилиш буюми-бино ва иншоатлар қурилиш конструкцияларининг элементи сифатида қўллашга мўлжалланган буюм.
18. Қурилиш материали – бино ва иншоатларнинг қурилиш конструкцияларини барпо этишга ва қурилиш буюмларини тайёрлашга мўлжалланган нарса материал (шу жумладан донали) дейилади.

В Илова
Мажбурий

Ўзбекистон Республикаси шахарсозлик нормалари ТАСНИФЛАГИЧИ

Мазкур таснифлагич 4 тагтизимдан ташкил топган.

1-3 тагтизимлар шахарсозлик нормалари ва қоидаларини гурухларга ажратади.

Таснифлагич қурилиш нормалари ва қоидалари таркибини белгилаш ва нишонини (шифр, белги) кўрсатишга мўлжалланган.

Шахарсозлик нормалари ва қоидалари нишони(бир-биридан нуқталар билан ажратилган «ШНҚ» ҳарфларидан, кенжа тизим сонидан (бир рақам), гурух сонидан (икки рақам) ва ҳужжатнинг қатор сонидан (икки рақам) иборат бўлиши лозим; тиниш белгисидан сўнг боғланган иккита оҳирги рақамлар ушбу ҳужжат тасдиқланган йилнинг сўнги икки рақамини ифодалайди. Масалан, ШНҚ 1.02.03-08

Норматив ҳужжатларга сонлар рўйхатга олиниши тартибига биноан гурухнинг ички ёки ушбу гурух учун ишлаб чиқилган ҳужжатлар рўйхатига биноан берилади.

«Иқтисодий нормативлар» номи 4 тагтизим маълумотлик ахборий ва услубий материалларини қамрайди.

Норматив ҳужжатларнинг тагтизимлари ва гурухлари	Нормалаштириш йўналишлари
1	2
1. Ташкилий – услубий нормалар	
01. Қурилиш соҳасидаги нормалар тизими	Техник нормалаштиришни вазифалари ва обьектлари, ҳужжат турлари, уларни ишлаб чиқиш, баён қилиш расмийлаштириш, маъқуллатиш ва тасдиқлаш
02. Тадқиқот ишлари	Вазифалари, ўтказиш тартиби, методологияси, иш таркиби ва мухандислик, экологик ва бошқа хил қидирув ишларига доир умумий талаблар
03. Лойихалаштириш ва лойиха ҳужжатлари тизими.	Лойихалаштириш босқичлари, лойиха ҳужжатлари таркибига, ишлаб чиқилишига, маъқуллатишларга бутланиши (комплектланиши) мазмуни, расмийлаштирилиши, экспертизаси ва тасдиқланишга доир талаблар. Сифат тизими. Муаллифлик назорати ва техник назорат.
04. Қурилишни ташкиллаштириш, капитал таъмир ва реконструкция	Қурилиш амалиётини ташкиллаштириш, меҳнат хавфсизлиги, реконструкция ва капитал таъмир бўйича умумий талаблар. Ишларни бажариш лойихалари, технологик хариталар таркиби ва уларни ишлаб чиқиш тартиби, уларнинг мазмунига бўлган талаблар.

Норматив хужжатларнинг тагтизимлари ва гурухлари	Нормалаштириш йўналишлари
1	2
2. Лойхалаштиришнинг техник нормалари 01. Умумий техник нормалар ва талаблар	Ишончлилик, умрбоқийлик ва хавфсизликни таъминлаш. Бино ва иншоатларни маъсулият даражаси бўйича таснифлаш. Юк ва таъсиrlар, юк қўтарувчанлик кўрсаткичлари, ҳисоблаш ва синовлар бўйича умумий ташкилотлар. Портлаш-ёнғин ҳавфсизлигини таъминлаш. Фойдаланиш чоғида одамлар саломатлигини заарли таъсиrlардан ҳимоялаш, хоналарни ташқи мухит таъсиrlаридан ҳимоялаш ва фойдаланиш режимиининг талаб даражасини таъминлаш.
02. Замин ва пойдеворлар.	Замин ва пойдеворлар таснифоти ва ҳисобий тавсифлари. Заминнинг ишончлилигини муҳандислик услубида таъминлаш. Пойдеворларни ҳисоблаш ва лойхалаштириш услубияти. Синовларни ўтказиш услубиятлари.
03. Қурилиш конструкциялари (Темирбетон, бетон, пўлат, ўзаклitoш, ёғоч, омихта ва бошқалар)	Материалларнинг ҳисобий тавсифотлари. Ҳисоблаш ва конструкциялаш услубиятлари. Емирилишдан ҳимоялаш. Буюмлар ва бутловчи қисмларга бўлган умумий талаблар. Назорат ва синов услубиятлари.
04. Бино ва иншоатларнинг муҳандислик қурилмалари. Ташқи тармоқлар(иссиқлик таъминоти, иситиш, шамоллатиш, ҳаво совутиш, газ таъминоти,кучсиз ток тизимлари, ахлат чиқариш).	Ташқи тармоқлар ва иншоатлар, ички тизимлар ва қурилмаларнинг параметрлари ва умумий талаблари, уларга қўйиладиган талаблар, қабул қилиб олиш қоидалари, синов услубиятлари. Қурилмалар, қисмлар ва асбоблар учун техник шартлар.
05. Транспорт иншоатлари (шу жумладан йирик қувурли тармоқлар ҳам)	Жойлаштириш ва ер ажратишга доир талаблар таснифоти. Геометрик ўлчамлар ва фойдаланишга доир тавсифотлар. Ишончлилик, умрбоқийлик ва хавфсизликка бўлган талаблар. Юк ва таъсиrlар. Ҳисоблаш услубиятлари. Қабул қилиш қоидалари. Синов услубиятлари.
06. Гидротехник, энергетик ва милиоратив тизимлар ва иншоатлар.	Таснифоти. Жойлаштириш ва ер ажратишга доир талаблар. Геометрик параметрлар ва фойдаланишга доир тавсифотлар. Ишончлилик, умрбоқий ва хавфсизликка бўлган талаблар. Юк ва таъсиrlар. Ҳисоблаш услубиятлари. Қабул қилиш қоидалари. Синов услубиятлари.
07. Шахарсозлик	Худудий режалаштириш даражасидаги худудларга, аҳоли жойларига, шаҳар қўрғон тархларига ва қурилишига, шу жумладан саноат худудлари билан саноат корхоналари ҳам, муҳандислик, транспорт таъминотига, гигиена, хавфсизлик, табиатдан фойдаланиш нормативларига, табиатни муҳофаза қилишга бўлган талаблар.

Норматив хужжатларнинг тагтизимлари ва гурӯхлари	Нормалаштириш йўналишлари
1	2
08. Тураг жой ва жамоат бинолари, иншоатлари	Таснифоти, хоналар таркиби, муҳандислик қурилмалари, фойдаланиш режими, хажмий режавий параметрлари, фойдаланиш ва табиий оғатлар таъсирларида хавфсизлик, ишончлилик ва умрбоқийликка бўлган талаблар. Қабул қилиб олиш қоидалари.
09. Ишлаб чиқариш ва маъмурӣ-маишӣ бинолар ва иншоатлар	Таснифоти, хоналар таркиби, муҳандислик қурилмалари, фойдаланиш режими, хажмий – режавий параметрлари, фойдаланиш ва табиий оғатлар таъсирларида хавфсизлик, ишончлилик ва умрибоқийликка бўлган талаблар. Қабул қилиб олиш қоидалари.
10. Ер ажратиш нормалари.	
3. Қурилиш амалиётини ташкиллаштириш ва технологияси қоидалари.	Қурилиш саноати қувватларидан боринча кенг фойдаланиш. Махаллий қурилиш материаллари, хом-ашёлари ва ишлаб чиқариш чиқиндилиридан самарали фойдаланиш.
01 Қурилиш амалиётининг умумий қоидалари. 02 Замин ва пойдеворлар. 03 Қурилиш конструкциялари. 04Химояловчи изоляция қилувчи ва пардоз қопламалар 05. Муҳандислик ва технологик қурилма ва тармоқлар. 06. Транспорт иншоатлари 07. Гидротехник ва энергетик иншоатлари мелиорация тизимлари ва иншоатлари.	Бетон ва темирбетон, тош ва ўзаклик тош, металл, ёғоч, омихталаштирилган ва хакозо ашёлардан қилинганлари.
4 Иқтисодий нормалар (шу жумладан ташкиллаштириш услугубий хужжатлари)	Лойихлаштириш, қурилишни давомийлиги, қурилишга тамал қўйиш нормалари. Материаллар сарфи, қурилишда қуролларга анжомларга, асбобларга, ва механизмларга бўлган эҳтиёж нормалари Қурилишда меҳнатга ҳақ тўлаш нормалри. Лойиҳа – қидирув ишларига ҳақ тўлашнинг заминий нормалари. Ресурс – смета нормалари.

С Илова
Тавсиявий

Техник топшириқ (шакли)

Келишилган

Тасдиқланган

(Ташкилот номи, мансаби, исми шарифлари,
насаби, санаси)

(Ташкилот номи, мансаби, исми
шарфлари, насаби, санаси)

Техник топшириқ

Ишлаб чиқиш учун _____
(норматив хужжат номи)

Ижрочи _____
(Хужжат ишлаб чиқувчи – етакчи ташкилот номи)

Ижрода қатнашувчи _____
(Ташкилот номи)

1. Ишлаб чиқиш учун асос _____
(Норматив хужжатни ишлаб чиқиш учун)

(Асосланма хужжат күрсатилади)

2. Норматив хужжатни ишлаб чиқишининг асосий мақсад ва вазифалари _____
(Ишлаб чиқилаётган хужжатни амалга киритиш натижасидаги эришиладиган ютук)

3. Нормалаштириш обьектининг тавсифоти _____
(Шу жумладан халқ хўялиги, аҳоли фан ва
техника ютуқлари талабларига жавоб бериш)

4. Норматив хужжат ва унга қилинган Иловаларнинг бўлимлари, ишлаб чиқилаётган хужжат ва унга қилинган Иловаларнинг хар бир бўлимига киритилган асосий талаблар сираси _____

5. Бошқа норматив хужжатлар ва стандартлар билан узвий боғлиқлиги _____
(Норматив хужжатлар нишонлари билан кўрсатиб ўтилади)

6. Норматив хужжатга Кўланма ишлаб чиқиш зарурати бор-йўқлиги _____
(Талаблар кўрсатилади)

7. Асосий манбалар

муайян материаллар, илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик ва синов ишлари

натижалари, тажрибаларнинг умумлаштирувчи, патентлар, муаллифлик гувохномалари санаб ўтилади.

8. Кўшимча қўрсатмалар

Тасдиқловчи идора ёки хужжат ишлаб чикувчи –ташкилотлар

1 сон Илова. Норматив хужжат лойиҳаси тақриз учун жўнатиладиган ташкилотларнинг рўйхати.

2 сон Илова. Норматив хужжатни маъқуллатиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати.

Рахбар

(Рахбар мувовини) (Ишлаб чикувчи-етакчи
ташкилот номи)

(имзо, сана)

(исми-шарифи, насаби)

Мавзу раҳбари

(имзо, сана)

(исми-шарифи, насаби)

Ижрода қатнашувчилар:

Рахбар

(Рахбар мувовини) (Ташкилот номи)

(имзо, сана)

(исми-шарифи, насаби)

Мавзу раҳбари

(имзо, сана)

(исми-шарифи, насаби)

Д Илова
Мажбурий

**Норматив хужжат лойиҳасига тушган тақризлар
рўйхати (шакли)**

Бандлар тартиби	Норматив хужжат лойиҳаси бандининг рақами	Эътиroz ва тақлиф киритган ташкилот номи (хат санаси ва рақами)	Эътиroz ва тақлифлар	Хужжат ишлаб чиқувчи ташкилот хулосаси (қабул қилиндими ёки сабаблари кўрсатилиб рад қилинди)
-----------------	---	---	----------------------	---

Хужжат ишлаб чиқувчи етакчи ташкилот
бўлинмаси рахбари

(имзо)

(исми-шарифи, насаби)

Мавзу рахбари

(имзо)

(исми-шарифи, насаби)

Е Илова
(Зиддиятлар бор бўлса)
Мажбурий

Зиддиятлар тўғрисидаги маълумотнома (шакли)

(хужжатнинг номи)

номли ҳужжат лойиҳаси бўйича қарор қабул қилиш учун _____
дан
(хужжат ишлаб чиқувчи ташкилот номи)

га

(норматив хужжатни тасдиқловчи орган номи)

Боб, бўлим, банд қўшимча банд, иловалар тартиби	Манфаатдор идора таклифи ва қисқача техник-иктисо-дий асосланмаси, хат санаси ва рақами	Хужжат ишлаб чиқувчи етакчи идора хулосаси
--	--	---

Рахбар _____
(Рахбар мувонини) (Хужжат ишлаб чиқувчи-
етакчи ташкилот номи) _____ (имзо, сана) _____ (исми-шарифи, насаби)

Мавзу рахбари _____
_____ (имзо, сана) _____ (исми-шарифи, насаби)

F Илова
Мажбурий

**Тасдиқлашга тақдим қилингандык норматив ҳужжат ва унга киритиладиган
ўзгаришнинг охирги сахифасини кўриниши (тақризга, маъқуллатишига)**

Рахбар _____
(Рахбар мувонини) (Хужжат ишлаб чиқувчи-
стакчи ташкилот номи) _____ (имзо, сана) _____ (исми-шарифи, насаби)

Мавзу рахбари _____
(имзо, сана) _____ (исми-шарифи, насаби)

Рахбар _____
(Рахбар мувонини) (ижрода қатнашувчи
ташкилот номи) _____ (имзо, сана) _____ (исми-шарифи, насаби)

Изохлар: 1. Имзоларнинг бир қисми ушбу сахифага сифмаган тақдирда, “орқа-
сига қаранг” ишораси билан сахифа орқасига жойлаштирилиши
лозим.
2. Ҳужжат нашр қилингандык охирги сахифа кўпайтирилмайди.

G Илова
Мажбурий

Норматив ҳужжатлар мұқовалари ва сахифаларини безатиш Шаҳарсозлик
норма ва қоидаларининг мұқоваси (зарварағи)

Шаҳарсозлик норма ва қоидалари

ҲУЖЖАТ НОМИ

ШИФР

Расмий нашр

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура
ва қурилиш қўмитаси

Тошкент - 200__

Идоравий қурилиш нормалари мұқоваси (зарвараги)

Идоравий қурилиш нормалари

ХУЖЖАТ НОМИ

ШИФР
Идора номи

Расмий нашр

Тасдиқловчи орган номи

Норматив хужжат зарварагининг иккинчи саҳифасига
жойлаштириладиган ахборат маълумотлари

УДК _____

(хужжат шифри, номи, шаҳар, босмаҳона, бетлар сони)

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ(ЛАР) _____
(Идоравий мансублиги кўрсатилган холда ташкилот номи,

мавзуу раҳбари ва маъсул изжочиларнинг исми – шарифи, насаби, илмий даражалари)

КИРИТИЛГАН _____
(хужжат лойиҳасини тасдиқлашга киритилган ташкилотлар номи)

МУҲАРРИРЛАР _____
(исми- шарифлари ва насаби, иш жойлари)

Тасдиқлашга _____
(Тасдиқловчи орган бўлинмаси номи, исми шарифлари ва насаби)

томунидан ТАЙЁРЛАНГАН

амалга киритилгандан

(Норматив хужжат шифри ва номи)

бошлаб _____ лар
(Шифрлари кўрсатилиб, ўз кучини йўқотадиган хужжатлар номи)

ўз кучини йўқотади.

КЕЛИШИЛГАН

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари матнининг биринчи бети

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Давархитектқурилишкўм)	Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари	Белгиланиши (шифри)
	Хужжат номи	Белгиси (шифри): кўрсатилади ўрнига

ХУЖЖАТ МАТНИ

(Ташкилот номи) томонидан КИРИТИЛГАН	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 200__й. “__” №____ сон буйруғи билан тасдиқланган	Амалга киритилиш санаси “__” _____ 200__й.
---	---	--

Расмий нашр

Идоравий қурилиш нормалари матнининг биринчи бети

Идора номи (қавс ичидаги ушбу идоранинг қисқартирмаси)	Идоравий қурилиш нормалари	Белгиланиши (шифри)
	Хужжат номи	Белгиси (шифри): кўрсатилади ўрнига

ХУЖЖАТ МАТНИ

(Ташкилот номи) томуонидан КИРИТИЛГАН	(Идора, акт номи) 200__й. “__”_____ №____ сон буйруғи билан ТАСДИКЛАНГАН	Амалга киритилиш санаси “__”_____ 200__й.
--	---	---

Расмий нашр

Шахарсозлик нормалари ва қоидаларининг
(биринчидан ташқари) бетлари

Жуфт сонли бетлар

2-бет ШНҚ 1.01.01-08

Хужжат ёки илованинг матни

Ток сонли бетлар

ШНҚ 1.01.01-08 3-бет

Хужжат ёки илованинг матни

Изоҳ: Норматив хужжатларнинг (биринчидан ташқари) бошқа бетларига
расмийлаштиришимизда талаб қўйилмайди.

Н Илова
Мажбурий

**Норматив хужжатга киритилган ўзгаришни баён қилиш ва безаш.
Ўзгаришнинг биринчи бетининг шакли**

сон ўзгариш

(Норматив хужжатнинг белгиланиши (шифри) ва номи)

нинг 200 __ й. «__» _____ даги

(Ўзгаришни тасдиқлаган орган номи)

____ сон Қарори (буйруғи) билан 200 __ й. «__» _____ дан амалга киритиш муддати белгиланди.

Матн, масалан

1.2. банд _____ дан бошлаб, _____ гача қуидаги тахрирда баён қилинсин _____

1.5. банд қуидаги матн (иккинчи сўз боши, 2а жадвали қуидаги мазмундаги изоҳлар билан) тўлдирилсин «_____»

1.7. банд чиқариб ташлансин.

2.1. биринчи иккинчи сўз бошиси янги тахрирда баён қилинсин «_____», учинчи сўзбоши «_____» сўзлари билан тўлдирилсин; «_____» сўзлари «_____» сўзлари билан алмаштирилсин.

2.10. банддаги 3 сон жадвал қуидаги мазмундаги сўзлар билан тўлдирилсин «_____».

2.14. банддаги ГОСТ 17302-72га ишора ГОСТ 19804 га ишора билан алмаштирилсин. 2-сон илова қуидаги мазмундаги «_____» 3 сон жадвал билан тўлдирилсин

Ж Илова
Мажбурий

Тасдиқланган норматив хужжатлар ва унга киритилган ўзгаришларни қайд қилиш китоби.

Қайд санаси ва тартиби	Норматив хужжатнинг нишони (шифри)	Хужжатнинг тўла номи	Қайси хужжат ўрнига ёки илк бор тасдиқла наяпти	Санаси, тасдиқлаш тўғрисида буйруқ сони, хужжатни тасдиқланган орган	Амалга кириши муддати	Хужжат лойихасини тасдиқлашга киритган ташкилот	Хужжатни ишлаб чиқувчи етакчи ташкилот	Хужжатни қайта кўриб чиқиш, бекор қилиш, ёки тузатишлир киритиш тўғрисидаги белги
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Ж Илова
мажбурий.

Норматив ҳужжат девони сирасига кирувчи ҳужжатлар рўйхати

(Норматив ҳужжат нишони ва тўла номи)

№	Ҳужжат номи	Ҳужжатлар сони	Варақлар сони
1	Норматив ҳужжат ишлаб чиқиш учун техник топширик		
2	Ушбу норматив ҳужжатни қайси ҳужжатлар ўрнига ишлаб чиқилганлиги		
3	Тақризга жўнатилган тушунтириш хати билан норматив ҳужжат лойиҳасининг биринчи тахрири.		
4	Олинган тақризлари ҳам қўрсатилган ҳолда ҳужжат лойиҳаси тақризга жўнатилган ташкилотлар рўйхати		
5	Тақризларнинг асл нусхалари		
6	Тақризлар рўйхати		
7	Норматив ҳужжат лойиҳасини макуллатиш бўйича ҳужжатларнинг асл нусхалари		
8	Ҳужжат лойиҳасини кўриб чиқсан илмий-техник (илмий, техник) кенгашларнинг мажлис баёнлари (ёки мажлис-баёнларидан кўчирма нусха)		
9	Ҳужжат лойиҳаси кўриб чиқиш бўйича муроса мажлисларининг мажлис баёнларидан		
10	Зиддиятлар (мавжуд бўлса) тўғрисидаги маълумотнома		
11	Тушунтириш хати билан тасдиқга киритилган норматив ҳужжат лойиҳасининг якуний таҳрири		
12	Ҳужжат лойиҳасини тасдиқлашга киритиш тўғрисидаги жўнатиш хати		
13	Патент харитачаси ёки патент софлиги текширилганлиги тўғрисида маълумот-нома		
14	Тасдиқланган норматив ҳужжатнинг асли		
15	Норматив ҳужжатни тасдиқлаш ва амалга киритиш тўғрисидаги буйруқнинг кўчирма нусхаси		
16	Ҳужжатни ишлаб чиқиш борасида унинг мазмунига оид ёзишмалар		
17	Тасдиқланган норматив ҳужжатнинг компьютер версияси (ёзилсин)		

Рахбар

(Рахбар мувонини)

(Ҳужжат ишлаб чиқувчи-
етакчи ташкилот номи)

(имзо, сана)

(исми-шарифи, насаби)

Ижрочи

(имзо, сана)

(исми-шарифи, насаби)

МУНДАРИЖА

	бет
1. КИРИШ.....	3
2. НОРМАТИВ ХУЖЖАТЛАРГА ИШОРАЛАР	4
3. ТАЪРИФЛАР.....	4
4. ТИЗИМНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ, ТАМОИЛЛАРИ, ТАРКИБИ ВА НОРМАТИВ ХУЖЖАТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ.....	4
5. НОРМАТИВ ХУЖЖАТЛАР МАЗМУНИ.....	7
6. НОРМАТИВ ХУЖЖАТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА РАСМИЙЛАШ- ТИРИШ	8
6.1. Мазкур тизимга кирувчи норматив хужжатларни ишлаб чиқиш босқичлари.....	8
6.2. Техник топшириқ ва норматив хужжат лойиҳасининг биринчи таҳрири..	9
6.3. Тақризларни кўриб чиқиш ва номатив хужжат лойиҳасининг оҳирги таҳририни ишлаб чиқиш.....	10
6.4. Норматив хужжат лойиҳасини маъқуллатиш ва тасдиқка киритиш.....	11
6.5. Норматив хужжатларни баён қилиш ва шакллантириш қоидалари....	12
7. НОРМАТИВ ХУЖЖАТЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ВА УЛАРНИНГ ДАВРИЙ РИОЯСИ	17
7.1.Норматив хужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш,уларни тасдиқлаш, рўйхатга олиш ва бекор қилиш.....	17
7.2.Норматив хужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ўзгартериш тартиблари..	18
7.3.Норматив хужжатларни ишлаб чиқиш ва талабларига риоя қилиш борасидаги жавобгарлик.....	18
7.4.Норматив хужжат талабларига риоя қилиниш устидан назорат.....	19
7.5.Норматив хужжатларни нашр қилиш ва улар тўғрисидаги ахборот.....	19
А Илова. ТЕХНИК НОРМАЛАШТИРИШ ТИЗИМИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ВА ТЕГИШЛИ ТАЪРИФЛАРГА ЭГА АТАМАЛАР.....	21
В Илова. Таснифлагич.....	22
С Илова. (Тавсиявий) Техник топшириқ (шакли).....	25
Д Илова. (Мажбурий) Норматив хужжат лойиҳасига тушган тақризлар рўйхати.....	27
Е Илова. (Мажбурий) Зиддиятлар тўғрисидаги маълумотнома (шакли).....	28

F Илова. (Мажбурий) Тасдиқлашга тақдим қилинган норматив ҳужжат ва унга киритиладиган ўзгаришнинг охирги саҳифасини кўриниши (тақризга, маъқуллатишга)	29
G Илова. (Мажбурий) Норматив ҳужжатлар муқовалари ва саҳифаларини безатиш.....	30
H Илова. (Мажбурий) Норматив ҳужжатга киритилган ўзгаришнинг баён қилиниши ва безаш.....	36
J Илова. (Мажбурий) Тасдиқланган норматив ҳужжатлар ва унга киритилган ўзгаришларни қайд қилиш китоби.....	37
J Илова. (Мажбурий) Норматив ҳужжат девони сирасига кирувчи ҳужжатлар рўйхати.....	37

40-бет ШНК 1.01.01-09